

## ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИННИГ ХАЛКИМИЗ КАЛБИДА КОЛДИРГАН ЖАРОХАТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15673426>

Хашимова Гулчехра Абдурахмановна,  
«Халкаро муносабатлар ва тарих», катта уқитувчиси  
Alfraganus University

**Аннотация:** 1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси қушинлари Польшага бостириб киради. Шу тарика Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. 1941 йил 22 июнь куни Германия хужум килмаслик тугрисидаги шартномани бузуб, Совет Иттифокига хужум бошлади. Иттифок таркибидаги барча республикалар, шу жумладан, Узбекистон хам бу урушда катнашиб, уз ери, уз ҳалкини химоя килишга отланди.

**Калим сұздар:** Иккинчи Жаҳон уруши, Узбекистон, жасорат, саноат, бағрикенглик, Совет Иттифоки, уруш даври, фронт орти, галаба.

**Annotation:** On September 1, 1939, Nazi Germany invaded Poland. And eto je vremya nachalas Vtoraya mirovaya voyna. On June 22, 1941, Germany broke the non-aggression pact with the Soviet Union. All the republics of Soyuz, including Uzbekistan, have their own land and their people.

**Key words:** World War II, Uzbekistan, courage, industry, tolerance, Soviet Union, wartime, rear, victory.

1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси қушинлари Польшага бостириб киради. Шу тарика Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. 1941 йил 22 июнь куни Германия хужум килмаслик тугрисидаги шартномани бузуб, Совет Иттифокига хужум бошлади. Иттифок таркибидаги барча республикалар, шу жумладан, Узбекистон хам бу урушда катнашиб, уз ери, уз ҳалкини химоя килишга отланди.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимиз ахолиси, унинг барча моддий ресурслари урушга сафарбар этилди. Узбекистон ҳалкининг бошига оғир синов ва машаккатлар тушди. Урта Осиё ҳарбий округи фронт учун 1941 йил июндан 1942 йил охиригача ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий кушилма тузди, харакатдаги армияга ва Олий Бош кумондонлик кароргохи резервига 86 та дивизия ва бригада жунатди.

Иктисодиётни жадал ҳарбий изга солиш энг мухим вазифа эди. Бунда фронт оркаси меҳнаткашларининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. 1941 йил 26 июндан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш вактидан ташкари мажбурий кушимча ишлар жорий килинди, хафтасига мавжуд беш кунлик урнига олти кунлик, бир кунда 11 соатлик иш куни жорий килинди. Амалда иш куни 12-14 соатта чузиларди. Бу эса ишчи ва хизматчилар сонини оширмасдан, ишлаб чикариш кувватини кучайтириш имконини берди. Бирок

ишчи кучи барибир етишмасди. Узбошимчалик билан корхонадан кетиб колганиларга 5 йилдан 8 йилгача камок жазоси белгиланди.

Узбекистонда металургия, энергетика, ёкили ва машинасозлик саноатларини кайтадан шакллантириш эвазига Иттифок харбий ишлаб чикариш асосларини мустахкамлади.

Уруш йилларида Узбекистонда саноатнинг барча соҳаларига тааллукли булган 280 та янги саноат корхонаси курилди. Республиканинг саноат куввати 1945 йили 1940 йилга нисбатан 2 марта, нефть ишлаб чикариш 4 марта, металлни кайта ишлаш 4,5 марта, машинасозлик 13,4 марта, кумир ишлаб чикариш 30 марта ва пулат ишлаб чикариш 2,5 марта ошди. Кимё саноати ишлаб чикарадиган ялпи маҳсулотлар 5 баробар купайди.

Алока, телефон, телеграф ходимлари хам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Уруш йилларида республика халқ хужалиги ходимлари олдида саноатни хом ашё билан, ахолини озик-овкат, кийим-кечак билан таминлаш вазифаси хам куйилди.

Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики: 1) республика кишлоқ хужалиги пахта етиштириша ихтисослаштирилган булиб, озик-овкат маҳсулотларининг бир кисми Иттифок фондидан келтирилар эди. Уруш бошланганидан кейин озик-овкат келтириш тухтади, ахолини бокиши учун ички имкониятларни топиш зарур эди; 2) деярли 1 миллионга якин киши, 200 минг етим болалар Узбекистонда бошпана топди. Узбекистон халки уларга гамхурлик килиб уз багридан, уйидан жой берди. Эвакуация килинган ахоли хисобидан шаҳарлар ахолисининг купайиши озик-овкатта булган талабни янада ошириди; 3) дехконлар фронта ва харбий саноатда ишлаша сафарбар этилгач, дехкончиликнинг машаккатли меҳнати кексалар, аёллар, усмирлар зиммасига тушган эди; 4) МТС ва совхозларга СССРнинг гарбий худудларидан янги тракторлар, кишлоқ хужалиги машиналари ва уларга эҳтиёт кисмлар келтириш тухтаб колган эди.

Бундай кийинчиликларга карамасдан, республикада дехкончиликнинг таркиби кескин узгарди. Пахтачиликни асосий тармок сифатида саклаб колган холда дон, канд-лавлаги, каноп, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етитириши кескин купайтириш тадбирлари курилди. Биринчи навбатда, экин майдонларини кенгайтириш, ирригация имкониятларини ошириш юксак суръатлар билан олиб борилди.

Юкорида зикр этилганидек, Иккинчи жаҳон урушида Узбекистондан 1,5 миллионга якин киши катнашан булса, уларнинг хар 3 нафаридан биттаси урушдан кайтмади. Бундай фожиадан юртимиздаги бирор-бир хонадон четда колмади.

Собик Иттифок таркибидаги барча республикалар, муҳтор (автоном) вилоятлар, миллий округлар уруш гирдобига тортилди, фронтта сафарбар этилди. Урушнинг биринчи ойидаёқ збекистондан 32 мингдан ортик ишчи, хизматчи, колхозчи ва ёшлар узларини фронтга жунатишларини сураб ариза

бердилар. Дастребаки кунлардан бошлаб юз минглаб ватандошларимиз кулга курол олиб фронтта жунаб кетдилар.

Узбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов тақидлаганлари дик, 1941 йилда республикамиз ахолиси 6,5 миллион кишидан иборат булган, уларнинг ярмини эса болалар ва кексалар ташкил этган, меҳнатта ярокли одамларимизнинг 50-60 фойзи, аникроги, 1433230 киши урушта сафарбар этилган.

Бутун Иттифокда булганидик, урушнинг дастребаки кунлариданок республикамизнинг бутун куч-кудрати, иктисадий салоҳияти мудофаа манбаатларига буйсундирилди. Саноат харбий изга кутирилди. 1941 йилнинг охирида Узбекистоннинг 300 та завод ва фабрикаси фронт учун ишлай бошлади. Мамлакат гарбидан 100 га якин харбий ахамиятга молик саноат корхоналари кутирилди.

Уруш даврида халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли республикада саноат маҳсулотининг умумий хажми 7 баробар купайди. Кишлек меҳнаткашлари эса уруш йилларида 4 миллион 806 минг тонна пахта, 1 миллион 282 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 48 минг тонна картошка ва сабзавот, 57,8 минг тонна мева ва узум, 159 минг тонна гушт, 36 минг тонна курук мева ва бошқа куплаб дехкончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бердилар.

Кизил армиянинг йирик курол-аслаха базасига айланган Узбекистон 1941-1945 йилларда фронтга 17 мингта авиамотор, 3 миллион донага якин авиабомба, куплаб портлагичлар, снарядлар, гранаталар ва яна 2 минг дона фронт учун энг зарур булган самолётни хам етказиб берди.

Уруш йилларида Узбекистон фронта зарур нарсаларни етказгани, хар бир вилоятимизда урушда катнашаётган жангчилар учун иссик кийимлар жунатиш харакатининг кенг ёйилгани хам республикамиз меҳнаткашларининг фашизмни тормор этишдаги муҳим улуши эди.

Халқимиз мудофаа фонди учун уз жамгармаларидан 650 миллион сум пул берди, 4,2 миллиард сумлик давлат заёмларини сотиб олди. Умуман, узбек халқи уруш йилларида фронт эҳтиёжлари учун йигиб берган жами пул маблаглари 5 миллиард сумни ташкил этди.

Уруш булаётган ва душман якинлашиб келаётган худудлардан муҳим саноат корхоналарини, колхоз, совхоз ва МТСларнинг мулкларини, маданий бойликлар ва укув масканларини Шаркка, жумладан, Узбекистонга зудлик билан кутириб келтириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. Кишилик тарихида кулами жихатидан бундай катта воеа биринчи марта содир булди. Узбекистонга 100 га якин саноат корхонаси, жумладан, 48 та машинасозлик, металл ишлаш, химия, харбий техника ва бошқа маҳсулот-лар ишлаб чиқарадиган йирик заводларнинг асбоб-ускуналари кутириб келтирилди. Улар ишчи кучи, хом ашё, асбоб-ускуналар билан таминланди ва фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш йулга куйилди. Кутириб келтирилган

корхоналар шошилинч бушатиб берилган ва янги курилган биноларга жойлаштирилди.

Узбек халки узининг батрикенглиги, меҳмондустлиги ва болажон халк эканини уша иилларда яна бир бор намойиш килди. Уруш йилларида халкимиз

фронт ичкарисида ва уруш харакатлари кучли булган Украина, Белорусь ва РСФСРнинг гарбий вилоятларида ота-онасиз ва каровсиз колган жами 1 миллион нафар ёш болалар, кариялар ва ишчиларни уз баррига кабул килди ва уларга меҳр курсатди. Тошкент шахри хотин-қизларининг ташаббуси билан республикада етим болаларни фарзандликка олиш харакати кенг тус олди.

Уруш даврининг оғир шароитига карамасдан тошкентлик темирчи Шоахмад Шомахмудов умр йулдоши Баҳри ая билан 14 нафар (каттакургонлик Самадовлар оиласи эса 13 нафар) етим колган ва Тошкентга олиб келинган болани фарзандликка олиб, вояга етказдилар.

Республикамизга жангларда ярадор булган аскар ва зобитлар хам келтирилар эди. Бу борада хам халкимиз уз меҳр-саҳоватини курсатди. Узбекистон согломлаштириш марказларидан бирига айланди. 1941 йилнинг 1 октябригача Узбекистон согликни саклаш халк комиссарлиги тизимида 14950 ринга эга булган 47 та госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жихозланди. Айни пайтда Москвадан, Калинин, Ростов ва бошка вилоятлардан 15900 уринга эга булган 48 та госпитал кучириб келтирилиб, турли шахарларимизга жойлаштирилди ва ишга туширилди.

Вилоят, шаҳар, туман бошқарув идоралари госпиталлардаги беморлар холидан хабар олиб турди, госпиталларга хужаликлар ташкил этиш ва иш юри-тиш учун ер майдонлари ажратиб берилди. Агар 1941 йилда шу максадда 385,5 гектар ер ажратилган булса, 1943 йилга келиб ажратилган ер майдонлари 656 гектарни ташкил эди. 1942 йилда 1513 меҳнат жамоаси, шу жумладан, 750 та корхона, колхоз ва совхоз госпиталларни оталикка олиб, уларни ёқилги, озик-овкат ва бошка кишлек хужалиги маҳсулотлари билан таминлаб турди. Узбекистонлик 18482 нафар донор ярадорларни окка туризиш учун кон бериб турди.

Уруш илларида Узбекистондаги госпиталларга 164382 нафар ярадор ва беморлар жойлаштирилди, уларнинг 87 фоизи, 143101 киши даволаниб чиқди. Узбекистонликлар даволаниб согайгандарга совга-саломлар бериш билан бирга, уларга чиройли халтacha тикиб беришни хам канда килмаган. Шу тарика, Узбекистон хукумати ва узбек халки урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб фашизмга карши курашда галаба козониш учун хар томонлама муносиб хисса кушди.